

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

МАМАЖОНОВ ДИЛШОД СОБИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ
(1985-1991 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Мамажонов Дилшод Собирович

Ўзбекистонда Қайта қуриш даврида маданий ҳаёт (1985-1991 йиллар) 3

Мамажонов Дилшод Собирович

Культурная жизнь в Узбекистане в период перестройки (1985-1991 гг.) 23

Mamazhonov Dilshod Sobirovich

The cultural life in Uzbekistan in the period of perestroika (1985-1991 years) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

МАМАЖОНОВ ДИЛШОД СОБИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ
(1985-1991 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tar21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (www.uzhistory.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Ровшан Маджидович
Тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Маврулов Абдухалил Абдулхаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Маҳкамова Нодира Раҳмановна
Тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc 06.01.2018. Таг. 56.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил “__” _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс(99871) 233-39-91; e-mail:info@uzhistory.uz. Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41.

Диссертация автореферати 2018 йил “_____” _____ кунини тарқатилди.
(2018 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси билан).

А. С. Сағдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.
профессор, академик

М. Х. Пайзиёва
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

С. С. Агзамходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида дунёда юз берган асосий тенденциялар СССРнинг, шунингдек, Шарқий Европада социалистик блокнинг парчаланиши ва жаҳон харитасида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг давлатчилик асосларини қуриш ва мустақамлаши билан боғлиқ бўлган глобал жараёнлар билан изоҳланади. Ушбу ўзгаришлар ўз навбатида жаҳондаги маданий жараёнларга ҳам ўзининг бевосита таъсирини кўрсатди. Мустақиликка эришган давлатлар учун маданий ва миллий қадриятларни тиклаш, маданиятнинг ривожланиш истиқболини таъминлаш ўз давлатчилигини қураётган мамлакатлар олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлди. Мазкур жараёнлар XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошида кечган ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларидан бири сифатида эътироф қилинди.

Жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши маданий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ундаги ҳар бир давлат учун маданий ўзликни сақлаш, шунингдек маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маданиятни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этишда инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш, республикамизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари орқали чет эл мамлакатлари билан маданий ҳамкорликни янада жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.¹

Янги мустақил давлатлар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам давлатчилик асосларини мустақамлаш йўлидаги муҳим вазифалардан бири маданий ва миллий қадриятларни асраш бўлиб, уларни ривожлантириш давлат сиёсатининг устивор аҳамиятга эга бўлган вазифасига айланди. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ижтимоий иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда туб ўзгаришлар юз бериб, амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижаларини бермоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кенг жамоатчилик – фуқаролар томонидан маъқулланмоқда. Ҳар бир суверен давлат ўзининг бетақроқ тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади². Ўзбекистон янги тарихи фани олдида турган муҳим вазифалардан бири собиқ совет тузуми даврида, айниқса, сиёсий-мафкуравий ақидалар исканжасига олинган маданий ҳаёт каби феномен-ҳодисанинг ҳолатини чуқурроқ ўрганишдир. Шу маънода, бизнингча, қайта қуриш даври Ўзбекистон маданий ҳаётининг ўрганилганлик даражасини илмий жиҳатдан чуқур ва танқидий таҳлил этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи. 2018 йил 29 ноябрь.

² Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи . 2016 йил 15 декабрь.

ўта муҳим ҳамда долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади. 1985-1991 йиллар маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида партия раҳбарлиги механизми сақланиб, ўзининг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Албатта, бундай ҳукмронлик миллий маданиятлар ривожига ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатди. Бу таъсирнинг оқибатлари, даврнинг маданий ҳаёти тарихи ҳозиргача чуқур тадқиқ қилинмаган. Қайта қуриш даври Ўзбекистон маданияти тарихидаги жиддий ижодий силжишлар ва ўзликни англаш ҳамда миллий кадриятларни ривожлантиришга интилиш билан изоҳланади. Шу билан бирга мазкур ҳолатнинг ривожланиш эволюцияси ҳозиргача етарли даражада комплекс ўрганилмади. Қайта қуриш даври олимлар, зиёлилар, мутахассислар, публицистлар, асосан тарихчиларнинг маданият масалаларига муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Ижодкорлар маданиятда маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш, ижодий жараёнларда эркинлик ва ҳурфикрлик тамойилларига амал қилиш лозимлигини муайян даражада англаб етди. Бу эса маданият масалаларини таҳлил этишга янгича муносабатнинг шаклланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришга инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур даврда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича яратилган асарларнинг аксарият қисмида маданият масалалари сиёсий-мафкуравий асосда акс эттирилган. Бундай ҳолни К. Бўронов, М. Ҳолмухамедов, Ҳ. Пўлатов, С. Гитлин, К. Оқилов, С. Шермухамедов, В. Тен каби тадқиқотчиларнинг ишларида кўриш мумкин³. Уларнинг асарларида КПССнинг маданият сиёсатидаги монополияси “асослаб берилган”, миллатлар ва миллий маданиятларнинг

³ Пўлатов Ҳ. Коммунизм, государство, культура, личность. – Ташкент, 1971; Халмухамедов М. Дружба народов – могучий ускоритель общественного прогресса. – М., 1972; Акилов К. Ленин и культурная революция в Узбекистане. – Ташкент, 1972; Буранов К. Диалектика развития социалистической культуры. – Ташкент, 1974; Шермухамедов С. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Ташкент, 1980; Тен В. Руководство КПСС процессами сближения нации в условиях развитого социализма. – Ташкент, 1981; Гитлин С. Национальная политика КПСС в условиях развитого социализма. – Ташкент, 1983; ва бошқалар.

аста-секинлик билан яқинлашуви ва қўшилиб кетиш “диалектикаси” ишлаб чиқилди. Социалистик маданиятни ривожлантириш учун ҳар қандай тўсқинлик ҳаракати миллатчилик билан боғлиқлиги кўрсатилиб шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг шаклланиши босқичлари асослаб берилган.

Шунингдек, маданият масалаларининг “самарадорлигини ошириш” билан боғлиқ муаммолар Х. Турсунов, М. Ҳайруллаев, М. Шорахмедов, Б. Саматов А. Элбаева каби тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам ўрганилган.⁴ Ушбу асарларнинг асосий камчилиги шундан иборат эдики, уларда маданиятнинг ижтимоий вазифаси аҳолининг бўш вақтини самарали ташкил этиш, улар дунёқарашини ва маънавий оламини шакллантириш ва ўстириш эмас, аксинча унинг функцияси – коммунизм қуриш ғояларини “омма” онгига сингдиришдан иборат, деб баҳоланишидир.

Шунингдек қайта қуриш даврида маданий сиёсатнинг назарий ва тарихий-социологик жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиш кучайган.⁵

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши арафасида яратилган С. Отамуродов, Х. Расулов ва бошқаларнинг асарларида миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши, миллий жиҳатдан ўзликни англаш, миллий маданиятлар муаммолари янгича тарзда - миллий маданиятлар ривожланиши манфаати асосида ўрганила бошланди.⁶ Таҳлил этилаётган асарларда миллий маданиятларни тиклаш ва ривожлантириш, миллий ўзлик ҳамда менталитетни англашга интилиш каби муаммоларни ҳал этишга ҳаракат юзага кела бошлади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қайта қуриш даври маданият тарихини ўрганишга бағишлаб яратилган монография ва қатор диссертацияларда, жумладан, Г. Наджимов, М. Нишанов ва Ю. Эргашеванинг монографияларида, шунингдек Д. Ҳабибуллаева, Ж. Айтмуродов, Қ. Эргашев, В. Ражапов, Х. Юнусова, М. Алиханов, З. Юсупов, А. Маврулов ва Н. Мустафоева каби муаллифларнинг диссертация тадқиқотлари у ёки бу жиҳатдан биз тадқиқ этаётган мавзуга яқин бўлган⁷. Шунингдек, диссертант танлаган мавзуга бирмунча яқинроқ

⁴ Турсунов Х. О взаимоотношениях национального и интернационального в культуре. – Душанбе, 1972; Ҳайруллаев М., Шорахмедов Д. Маданият ва мерос. – Тошкент, 1973; Саматов Б. Особенности развития национальных культур народов СССР в условиях зрелого социализма. – Ташкент, 1983; Элбаева А. Основные уровни и механизмы развития социалистических национальных культур в советском обществе. – Фрунзе, 1988; ва бошқалар.

⁵ Бромлер Н. Образ жизни в условиях совершенствования социализма. – М., 1986; Социально-культурный облик советских наций. – М., 1986; Фохт-Бабушкин Ю. Художественная культура: проблема изучения и управления. – М., 1986; Ефимов Ю., Громов И. Человеческий фактор и культура. – Л., 1989; Искусство в художественной жизни социалистического общества. – М., 1990; Соколов К. Социальная эффективность художественной культуры. – М., 1990.

⁶ Расулов Х., Атамуратов С. Интернационализация национальных культур. – Ташкент, 1986; Атамуродов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. – Ташкент, 1991; Культура, нравственность, человек. – Ташкент, 1991.

⁷ Наджимов Г. Народные традиции и культура. – Ташкент, 1992; Нишанов М. Обновление духовной жизни нации. – Ташкент, 1992; Ҳабибуллаева Д. Возрождение национальных и общечеловеческих ценностей в Узбекистане (1985-1991 гг): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995; Эргашев К. Развитие общеобразовательной школы в Узбекистане 70-90гг: проблемы и тенденции: Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1996; Айтмуратов Ж. Культура Каракалпакстана в 70-90 годы: общее состояние и

айрим диссертация тадқиқотлари ҳам тайёрланди. Жумладан Л. Собирова, О. Тошбоев, Б. Ўриноваларнинг диссертация тадқиқотларида жамият тараққиётида матбуотнинг ўрни ва мавжуд муаммолар, уларнинг ечими муайян даражада таҳлил этилган⁸.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги 1980 – йилларнинг иккинчи ярмидаги маданий ҳаётнинг айрим масалаларигина чет эл тарихшунослигида ёритиб берилган. Таниқли америкалик олим У. Фиерман ўзининг “Policy toward Islam in Uzbekistan in the Gorbachev era” (“Горбачев даврида Ўзбекистонда исломга нисбатан сиёсат”) ва “Political development in Uzbekistan: democratization?” (“Ўзбекистондаги сиёсий ривожланиш: демократизациями?”) номли мақолаларида Ўзбекистондаги ижтимоий ва диний сиёсат муаммосининг таҳлилидан аввал, қайта қуриш даврида СССРдаги ислохотлар жараёнини ўрганиб, маданий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган.⁹

Шунингдек, яна бир америкалик тадқиқотчи Г. Глисон ўзининг Марказий Осиёдаги собиқ совет республикаларининг мустақилликка эришиши масаласига бағишланган “The Central Asian States: Discovering independence” (“Марказий Осиё давлатлари: мустақилликнинг кашф қилиниши”) китобида 1980-йилларнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан бирга, шунингдек Ўзбекистондаги маданий, жумладан тил муаммоларини ўрганишга ҳам эътиборини қаратди.¹⁰

Бошқа бир тадқиқотчи М. Ленкер ўзининг “The Politics of Language Policy. A case study of Uzbekistan” (“Тил сиёсати. Ўзбекистон мисолида ўрганиш”) номли мақоласида Совет Иттифоқидаги тил сиёсати муаммосини таҳлил қилиш билан бирга, Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақомини беришга бўлган ҳаракат 1989 йилда бошланганини эътироф этиб

тенденции развития. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1997; Эргашева Ю. Ўзбекистон маданияти: тараққиёт тамойиллари ва муаммолари. – Тошкент: фан. 1997; Ражапов В. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда маданият соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар: тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Алиханов М. Деятельность творческой интеллигенции Узбекистана в период обретения независимости и ее укрепления (1985-2000 годы): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2007; Юнусова Х. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2009; Юсупов З. Ўзбекистон маданиятида миллийлик ва байналмилаллик (1970-2000 йиллар): тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011; Маврулов А., Замонавий босқичда Ўзбекистон маданияти: умумий ҳолати. Муаммолар, тараққиёт тамойиллари (70-йиллар ўргалари-1990 йиллар): тарих фанлари докт. дисс. Автореф. – Тошкент, 1993; Мустафаева Н. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон маданиятининг асосий йўналишлари ва муаммолари давр тарихшунослигида: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1999 ва бошқалар.

⁸ Тошбоев О. Миллий истиклол мафқурасининг шаклланишида матбуотнинг ўрни: филология фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999; Ўринова Б. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни ёритишда вақтли матбуотнинг роли (1991-2000 йиллар): тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002; Собирова Л. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва уларнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни (1991-2005 йй): тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2010; ва бошқалар.

⁹ William Fierman. Policy toward Islam in Uzbekistan in the Gorbachev era//Nationalities Papers, Vol. 22.1, 1994. pp. 225-246; Ўша муаллиф: Political development in Uzbekistan: democratization? //Conflict? Cleavage, and change in Central Asia and the Caucasus. Edited by K. Dawisha, B. Parrot. Cambridge University Press, 1997. . 360-408 pp.

¹⁰ Gregory Gleason. The Central Asian States: discovering independence. Westview Press. Boulder, USA. 1997. 220 p.

мазкур жараённинг кечишини умумий ҳолда таҳлил қилган.¹¹ Умуман хориж тадқиқотчилари Ўзбекистонда 1980-йилларнинг иккинчи ярмидаги маданий ҳаётда кечган жараёнларни ўрганишда биринчи навбатда улар ушбу муаммонинг сиёсий жиҳатларига эътибор қаратишган, яъни маданий ҳаётдаги ўзгаришлар сиёсатда кечган жараёнларнинг бир қисми сифатида таҳлил қилинган.

Хуллас, юқорида келтирилган таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, маданий ҳаёт муаммолари қайта қуриш даврига оид айрим тадқиқотларда бўлимлар ва қисмлар тарзида акс эттирилган. Демак, бу мавзу бўйича махсус рисола, илмий асар ёки монография ишлари яратилмаган. Бу даврнинг маданий ҳаёти билан боғлиқ масалалар яхлит тадқиқот доирасида ҳозиргача ишланмаган. Буларнинг ҳаммаси диссертант учун “Ўзбекистонда қайта қуриш даврида маданий ҳаёт (1985-1991 йиллар)” мавзuidaги ишни алоҳида диссертация объекти сифатида танлаш имконини берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида ИФА-2012-1-4 “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (2012-2013 йиллар)” лойиҳаси ва ФА-Ф8-042-сонли “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши тарихи (1985-1991 йй.)” (2007-2011) номли фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қайта қуриш даврида Ўзбекистондаги маданий ҳаётнинг ўзига хослиги ва хусусиятларини комплекс тарзда ҳар томонлама ўрганиш ҳамда замонавий концептуал ёндашувлар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрганилаётган муаммонинг назарий ва концептуал асосларини очиб бериш;

қайта қуриш даврида совет тузумининг маъмурий-буйруқбозликдан иборат раҳбарлик механизмнинг емирилиб бориш эволюцияси шаклланиши ва ривожланиши тарихига бағишланган илмий ишларни ўрганиш;

қайта қуриш даврида совет маданий сиёсатининг Ўзбекистон маданий ҳаётининг турли йўналишлари ҳолатидаги салбий таъсир кўрсатганлик жиҳатларини очиб бериш;

бир томондан, миллий ва маданий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларнинг тикланиши учун муайян шарт-шароит яратилгани, иккинчи томондан, бундай жараённинг ривожланишига собиқ совет давлати мафкуравий тизимининг қаршилигини ёритиш;

ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши муаммолари ва натижаларини таҳлил қилиш;

ўзбек адабиётидаги ўзига хослик ҳамда миллийлик учун кураш жараёнларини илмий жиҳатдан ўрганиш;

¹¹ Michael Lenker. The Politics of Language Policy. A case study of Uzbekistan//Perestroika at the Crossroads. Edited by A.J. Rieber & A. Z. Rubinstein. M.E. Sharpe, Inc. Armonk, NY. USA. 1991. 268-269 pp.

Ўзбекистоннинг театр санъати ва кинематография соҳасида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш;

Ўрганилаётган даврдаги маданият соҳасини ривожлантириш бўйича тегишли хулосалар чиқариш; замонавий шароитда илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини қайта қуриш даврида Ўзбекистоннинг маданий ҳаётидаги жараёнлар ва ўзгаришлар тарихини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети қайта қуриш йилларида Ўзбекистондаги маданий ҳаёт ва шу билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий жараёнлар тахлили этиб белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, фанлараро ёндашув ҳамда оғзаки тарих каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг 80-йилларида собиқ совет иттифоқида мавжуд бўлган иқтисодий-ижтимоий муаммолар ва мафкуравий тазйиқнинг сақланиб қолиши, маданиятни сиёсатлаштириш, соҳани молиялаштиришдаги муаммоларни Ўзбекистондаги маданий жараёнларга кўрсатган салбий таъсири аниқланган;

қайта қуриш даврида Ўзбекистонда миллий онгнинг ўсиши, маънавий ва маданий кадриятларни тиклаш ва уларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш натижасида юзага келган фаол маданий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда республика зиёлиларининг бу борадаги фаолияти очиб берилган;

миллий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши жараёнида ҳокимият ва жамият, зиёлилар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги сиёсий ва мафкуравий зиддиятлар тарихий фактлар асосида кўрсатиб берилган;

қайта қуриш давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларнинг Ўзбекистон адабиёти, театр ва кинематография ривожига таъсири кўрсатиб берилган, шунингдек бу жараёнда коммунистик мафкура ва миллийлик ўртасидаги юзага келган зиддиятнинг мураккаб жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тарихий ва фанлараро ёндашувлар асосида қайта қуриш йилларида Ўзбекистон маданий сиёсатининг устувор йўналишлари тадқиқ этилиб, республикада маданият сиёсатининг бугунги босқичида қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари шакллантирилди. Кенг кўламдаги адабиётлар, илмий ишлар ва архив ҳужжатлари асосида қайта қуриш йилларида Ўзбекистон маданий ҳаёти муаммолари ўрганилиб илмий тадқиқот ва Ўзбекистоннинг янги ҳамда энг янги тарихини ўрганиш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар ва янги манбалар илмий муомалага киритилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот материаллари зиддиятли ҳолатлар, совет ҳукмрон мафкурасининг миллий уйғонишга қарши кураши тўғрисида муайян хулосалар чиқаришга ва маълумотлар олишга имкон берди ва ўша даврда хизмат қилган журналистлар билан

жараён ҳақида олиб борилган суҳбатлар ҳам ишончли тарзда амалий аҳамият касб этган. Демак, тадқиқотда тарих фанидаги бой фактологик материаллар, метод ҳамда ёндашувларнинг қўлланилганлиги, кенг турдаги тарихий-илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, асосий манбаларга асосланганлиги, шахсий кузатувлар, хулоса, таклиф, тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлардан мақсадли давлат дастурларини бажаришда фойдаланиш имкониятида кўринади, шунингдек Ўзбекистон миллий истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида тарихий билимларни ривожлантириш, яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, маъданий ва маънавий омилларни бойитиш қабиаларга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистонда қайта куриш даврида маданий ҳаёт мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистонда совет маданий сиёсатининг республика маънавий-маданий ҳаётининг турли йўналишлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлик жиҳатларидан ФА-Ф8-042-сонли “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши тарихи (1985-1991 йй.)” (2007-2011) номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 7 декабрдаги 3/1255-3206-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари қайта куриш даврида мафкуравий тазйиқнинг сақланиб қолиши, маданиятни сиёсатлаштиришдаги муаммоларни Ўзбекистондаги маданий жараёнларга кўрсатган салбий таъсирини кўрсатиб беришга хизмат қилган;

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида Ўзбекистон ССРдаги маданий жараёнлар ҳамда уларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий воқеликда акс этиши масалаларидан “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 7 декабрдаги 3/1255-3206-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда миллий онгнинг ўсишини, маънавий ва маданий қадриятларни тикланиши ҳамда уларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш натижасида юзага келган фаол маданий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 2 та халқаро конференцияда ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилиб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Предметнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий натижалари аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“СССРнинг инқирози шароитида Ўзбекистон маданий ҳаётидаги ўзгаришлар”** деб номланган биринчи бобида Қайта қуриш йилларида собиқ СССРда содир бўлган мафкуравий – сиёсий жараёнларнинг Ўзбекистон маданий ҳаётида акс этиши масалалари ёритилган, шунингдек совет маданий сиёсати концепциясининг муаммолари таҳлил қилинган. Мазкур бобдан ўрин олган назарий хулосалар асосида Ўзбекистондаги қайта қуриш даври маданий ҳаётини таҳлил қилишнинг методологик усуллари кўрсатиб берилган.

Мазкур бобнинг *Қайта қуриш йилларида собиқ СССРда содир бўлган мафкуравий – сиёсий жараёнларнинг Ўзбекистон маданий ҳаётида акс этиши масалалари* деб номланган биринчи параграфида мазкур даврда совет давлати раҳбариятининг мамлакатда иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш концепцияси ва унинг Ўзбекистондаги маданий ҳаётга ўтказган таъсири тарихий, тизимли ва қиёсий ёндашувлар ҳамда назарий хулосалар асосида таҳлил қилинган. Параграфда 1980 йилларнинг бошларида СССРда ижтимоий-сиёсий вазият инқирозли ва зиддиятли тус олиши, бу нарса совет раҳбарияти олдида мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш муаммосини кўндаланг қўйганлиги, 1985 йил март ойида ҳокимият бошига келган КПСС МК Бош секретари М. Горбачев совет сиёсий ва иқтисодий тизимида ислохотлар ўтказиш лозимлиги кун тартибидан ўрин олганлиги,¹² ҳамда ушбу ислохотлар “ошқоролик”, “жадаллаштириш” ва “қайта қуриш” шиори остида амалга оширилганлиги, шунингдек ошқоролик ва жамиятни демократлаштириш жараёнларининг чуқурлашиши шароитида ўзбек зиёлилари орасида ҳам совет даврида ўзбек маданияти ва тилига нисбатан амалга оширилган ноҳақликларга нисбатан норозилик позициясининг кучайиши каби муаммолар тарихий ёндашув, манбалар, тарихий далил, давр ва макон категориялари асосида очиб берилган.

¹² Қаранг: М. Рахимов, Ш. Рахматуллаев, Р. Турсунова, Р. Назаров. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е издание. Т., Адабиёт учкунлари, 2016. сс. 12-18.

Собиқ СССРда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий жараёнлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон маданий ҳаётига, шунингдек аграр соҳанинг устуворлиги, пахта яккахокимлиги, собиқ марказнинг иқтисодий манфаатлари кабиларга беписанд муносабатда бўлиниши кўплаб ноҳуш ҳолатларни юзага келтирди.

Қайта қуриш даврида совет маданий сиёсати концепциясининг таҳлили номли иккинчи параграфда собиқ совет тузуми Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаганлиги, унинг таъсири, айниқса маданият сиёсати соҳасида алоҳида кўринишга эга бўлганлиги, чунончи, маънавий-маърифий соҳага сиёсий-мафкуравий тус берилганлиги турли манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритиб берилган. 1980-йилларнинг ўрталаридан бошланган қайта қуриш маданий ҳаёт соҳасини қамраб олди, чунки, узоқ йиллар давомида собиқ совет тузуми миллий республикалар маданиятини деярли инкор этиб, мамлакатда ягона “социалистик маданият”ни шакллантириш борасида олиб борган ғайриилмий маданий сиёсати маданиятда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўлгани каби тушкунлик, турғунлик механизмини юзага келтирди. Шу боис ҳам таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларида қайта қуриш, яъни мамлакат раҳбариятининг таъбири билан айтганда, унинг “ривожини жадаллаштириш” керак бўлди¹³.

Қайд қилиш лозимки, қайта қуриш даврида миллий ўзликни англаш, маданий меросни тиклаш учун муайян шароит ва имкониятлар яратилган бўлса-да, аммо коммунистик мафкуранинг тазйиқи пасаймаган.

Бу йилларда аҳолини маданият масканларига жалб этиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилган ишлар савияси ҳам пасайиб кетди. Маданий қурилишга нисбатан иқтисодий йўналишга қўйилган қандайдир норентабел юклама, фойда келтирмайдиган соҳа сифатида муносабат шаклланди. Маданиятни моддий жиҳатдан таъминлаш ҳажми камайди. 1988 йилга келиб Ўзбекистонда 500 га яқин йирик қишлоқларда маданият уйлари, 1 мингдан ортиқ аҳолига эга бўлган аҳоли пунктларида оддий маданият ўчоқлари йўқ эди. Она тилида китоб нашр қилиш бўйича Ўзбекистон СССРда энг охириги ўринда турар эди¹⁴.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда маънавий ва маданий-тарихий меросга бўлган янгича муносабатнинг шаклланиши”** деб номланган иккинчи бобида миллий маънавий ва маданий қадриятларга янгича муносабатнинг шаклланиш хусусиятлари, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши жараёнининг зиддиятли жиҳатлари ҳамда тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва сақлаш муаммолари ёритиб берилган.

Ушбу бобнинг *Миллий маънавий ва маданий қадриятларга янгича муносабатнинг шаклланиш хусусиятлари* номли биринчи параграфда миллий маънавий ва маданий қадриятларга янгича муносабатнинг шаклланиш масалалари қайта қуриш йиллари муайян даражада ҳар доим ҳам ўта долзарб

¹³ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – 648-б.

¹⁴ Идеологияни янгилаш, жамиятнинг интеллектуал, маънавий потенциални активлаштириш – қайта қуришни жадаллаштиришдаги муҳим қадам. – “Ўзбекистон коммунисти”, 1988 йил, № 10, 89-б.

муаммо сифатида кун тартибида турганлиги учун ҳам бу жараёнларга эътибор тубдан ўзгара бошлаганлиги кўрсатиб берилган. Аммо қайта қуришнинг дастлабки йилларида ҳам совет маъмурий-буйруқбозлик тизимининг маданий ҳаёт устидан назорати, миллий маънавий ва маданий қадриятларни таъқиб остига олиш ҳоллари камаймади. Шунга қарамасдан ўзбек халқининг миллий маданий меросини тиклашга бўлган ҳаракати янада кучайиб борди.

Қайта қуриш даврида эса ошкоралик туфайли муайян даражада Ўзбекистонда миллий маънавий ва маданий меросни ўрганишга бўлган қизиқиш аста-секинлик билан кучая бошлади. Ўзбекистонда миллий маданий мерос, унинг аҳамияти, тикланиши борасида олиб борилган ишлар икки жиҳати билан ажралиб турарди. Биринчи жиҳати, ўзбек халқи, айниқса зиёлиларимизнинг миллий маданий меросни тиклаш борасида, унга нисбатан кучайган таҳдидлар, таъқиқлашларга қарши ҳаракатларни амалга оширган бўлса, иккинчи жиҳати, қайта қуриш сиёсати бундай жараёнлар учун маълум даражада имкониятлар яратди

Таниқли америкалик тадқиқотчи У. Фиерман фикрига кўра, 1980-йилларнинг ўрталарида республикада ислом динига қарши кураш кампанияси остида миллий қадриятларга ҳам қарши ҳужум бошланган. Ислом дини билан боғлиқ бўлмаган Наврўз байрамининг нишонланиши республика раҳбарияти томонидан тақиқланган. Ушбу байрам ўрнига республика компартияси томонидан “Навбахор” байрамини нишонлаш Ўзбекистондаги барча миллатларга уқтирилди.¹⁵

1980-йилларнинг иккинчи ярмида республикада ўзбек тили ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги статуси муаммоси билан бирга, Ўзбекистон тарихини қайта кўриб чиқиш, ўзбек миллий маданиятини тиклаш тарафдорлари томонидан тузилган ноформал гуруҳ ва ташкилотлар масаласи ҳам кўтарилган.¹⁶

Қайта қуриш йилларида миллий маданий меросга бўлган қизиқиш кўплаб давра суҳбатлари ва баҳс-мунозараларда ўз аксини топди. “Замон ва маданий мерос” рукни остида 1986-87-йилларда ўтказилган давра суҳбатларида маданий меросни жаҳид адабиётисиз тасаввур қилиш мумкин эмаслиги, яъни XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги ушбу ҳаракатнинг “прогрессив ҳаракат” сифатида эътироф этилиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган эди¹⁷.

Республикада миллий маънавий ва маданий қадриятлар аста-секинлик билан бўлсада тиклана борди. Миллий қадриятлар ва маданий меросни тиклашда топономия масалалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга эди. Жой номларини тартибга келтириш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди.¹⁸ Шунингдек қадриятлар ва маданий мерос тизимида диний

¹⁵ William Fierman. Policy toward Islam in Uzbekistan in the Gorbachev era//Nationalities Papers, Vol. 22.1, 1994. 228 p.

¹⁶ William Fierman Political development in Uzbekistan: democratization? //Conflict? Cleavage, and change in Central Asia and the Caucasus. Edited by K. Dawisha, B. Parrot. Cambridge University Press, 1997. 366-367 pp.

¹⁷ Юсупов Э. Маданий мерос – бебаҳо бойлигимиз. – “Ўз АС”, 1987 йил, 4 октябрь.

¹⁸ Саидов Д. Тарихий номлар яна тикланди. – “Ўз АС”, 1990 йил, 27 июль.

қадриятларнинг ўрни катта эканлигига алоҳида эътибор қаратила бошланди. 1990 йилдан бу борада муайян ишлар бажарилди. 1990 йилда Республикада марказий идоралар рўйхатидан ўтган масжидлар сони 250 тага етди. Ўзбекистон телевидениясида “Одобнома” кўрсатуви эфирга чиқа бошлади, вилоятларда бош имом-хатиб лавозимлари жорий этилди¹⁹.

Мазкур бобнинг *Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши жараёнининг зиддиятли жиҳатлари* деб номланган иккинчи параграфда қайта куришнинг бошланғич даврида ўзбек тилининг статуси, уни қўллашнинг чегараланганлиги, истиқлолга эришиш арафасида эса ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилганлиги ва жаҳондаги тиллар орасида ўзига хос муносиб ўрин олганлиги муаммолари таҳлил қилинган.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра совет даврида рус тили асосий тил бўлиб, мазкур тил шунингдек маҳаллий сиёсий элитанинг тили бўлган, шунингдек катта шаҳарларнинг аҳолиси орасида рус тили кенг қўлланилган. Шу билан бирга мазкур тил собиқ совет республикалари учун илм-фан ва технология тили эди.²⁰

Қайта куриш даврида Ўзбекистонда тил ва маданият масалалари зиддиятли характерга эга бўлган. Бу жараёнларга Марказнинг сиёсати катта таъсир кўрсатган. Ўша даврда Ўзбекистон раҳбарлари бўлган И. Усмонхўжаев, Р. Нишонов Москванинг сиёсатини, жумладан, маданий соҳадаги сиёсатини оғишмай амалга оширган. Миллий зиёлилар орасида миллий етакчи сифатидаги Р. Нишоновга нисбатан ишончсизлик кайфияти ўсиб борди.²¹

Қайта куриш давридаги демократик жараёнлар жамиятнинг, биринчи навбатда миллий зиёлиларнинг уйғониши учун туртки бўлди, натижада уларнинг рўй бераётган ўзгаришларнинг авангардида бўлиши учун имконият яратган. Айнан миллий зиёлиларнинг талаби ва босими остида Ўзбекистон Олий Советининг 1989 йил 21 октябрдаги XI сессиясида “Ўзбекистон ССР нинг давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинди ва 24 октябрда Республика рўзномаларида бу қонун эълон қилинди.²² Бу қонун ўзбек миллатининг миллий онги ўсишида, унинг ўзлигини англашида катта ижобий роль ўйнаганлигига диссертацияда алоҳида урғу берилган.

Лекин шу билан бирга ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ўз навбатида айрим қийинчиликларни ҳам туғдирган. Ўзбек тилини ўрганиш, уни ўргатиш масаласидаги муаммолар, яъни ўзбек тили ўқитувчиларининг (айниқса қишлоқ жойлардаги) савияси, луғатларнинг ва ўзбек, рус тилларини

¹⁹ Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – “Ўз АС”, 1990 йил 16 март.

²⁰ Gregory Gleason. The Central Asian States: discovering independence. Westview Press. Boulder, USA. 1997. p. 45.

²¹ William Fierman. Policy toward Islam in Uzbekistan in the Gorbachev era//Nationalities Papers, Vol. 22.1, 1994. pp. 225-246; Ўша муаллиф: Political development in Uzbekistan: democratization? //Conflict? Cleavage, and change in Central Asia and the Caucasus. Edited by K. Dawisha, B. Parrot. Cambridge University Press, 1997. . 360-408 pp.

²² Gregory Gleason. The Central Asian States: discovering independence... 69 - 70 pp.

ўргатиш замонавий методикасининг йўқлиги каби камчиликлар мавжуд эди.²³

Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг бошқа миллат тиллари ривожланишига ҳам эътибор камаймади. 1991 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 3457 та мактабда инглиз, 2886 та мактабда немис, 1515 та мактабда француз, 68 та мактабда испан, 3 та мактабда урду, 13 та мактабда хинд, 10 та мактабда араб, 13 та мактабда форс, 3 тасида хитой тили ўргатилган²⁴. Бир қанча ўқув юртларида дарслар миллий гуруҳлар тилларида ўқитиладиган мактаблар учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Чунончи, Тошкент ва Сирдарё педагогика институтларида дарслар қозоқ тилида ўқитиладиган умумтаълим мактаблари учун мутахассислар, Самарқанд, Бухоро, Термиз педагогика институтлари ва Косонсой, Чуст педагогика билим юртларида фанларни тожик тилида ўқитиладиган мутахассислар тайёрлаш ишлари бошланди²⁵.

Мазкур бобнинг *Тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва сақлаш муаммолари* номли учинчи параграфидида совет даврида тарихий ёдгорликлар ва ноёб меъморий обидаларнинг ҳолати аянчли аҳволда эканлиги, таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, лекин уларнинг сифатсиз бўлганлиги, шунингдек мазкур обидаларни сақлашда катта муаммолар мавжуд бўлганлиги таҳлил қилинган.

Таъмирлаш ишларини олиб борган ташкилотлар лойиҳа ишларини ишлаб чиқадиган ва лойиҳа ҳужжатларини амалга оширадиган ЎзССР Маданият вазирлигининг Бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси, Ўзбекистон лойиҳалаштириш ва таъмирлаш илмий-текшириш институти, “Меъмор” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бир қанча шаҳарлар (Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва ҳ.к.)да фаолият олиб борган махсус илмий - текшириш таъмирлаш устахоналари (МИТТУ) билан бевосита боғлиқ эди. Яъни барча таъмирлаш ишлари мазкур корхоналарга тегишли бўлган шахслар ва ташкилотлар томонидан бажарилар эди. Бунинг устига ушбу ташкилотларнинг барчаси “илмий –текшириш” деган улкан мақомга эга бўлишларига қарамай, уларнинг ўзлари ҳам, фаолияти ҳам академик Г. Пугаченкова таъкидлаганидек, илмга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди²⁶.

Совет даврида таъмирлаш ишларида асосан, қуйидаги тенденцияни кузатиш мумкин. Асосий таъмирлаш ишлари айрим монументал ёдгорликларда олиб борилган. Лекин шу вақтнинг ўзида бошқа тарихий ёдгорликларда ҳеч қандай таъмирлаш ишлари олиб борилмаганлиги сабабли, уларнинг ҳолати йилдан-йилга аянчли аҳволга тушиб қолган эди. Одатда, таъмирлаш учун ислом маданиятига оид йирик бинолар танланиб, бошқа турдаги тарихий объектлар ўша даврда негадир эътибордан четда бўлган. Режасизлик, ўзбошимчалик тарихий обидалар ҳолатига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди.

²³ Michael Lenker. The Politics of Language Policy. A case study of Uzbekistan 268-269 pp.

²⁴ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1991 йил 8 феврал.

²⁵ “Халқ сўзи”. 1991 йил 28 июн.

²⁶ ЎзР МДА Ф. Р-2773, Рўйхат 3, Йиғма жилд 48, 2 в.

Бундай ҳолатни Самарқанддаги Бибихоним масжиди ва Ишратхона мақбараси мисолида кўриш мумкин. Ушбу мақбара Алишер Навоий даврининг ноёб тарихий ёдгорлиги бўлиб, уни консервация қилиш масаласи жамоатчилик томонидан бир неча марта таклиф қилинган ва Республика ёдгорликларни кўриқлаш жамияти таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратишга розилик берган. Лекин, бино 1980-йилларнинг иккинчи ярмида жуда ачинарли аҳволда бўлиб, унинг сўнгги бостирмаси (томи) қулаб, девордаги ноёб ёзувлари ўчиб кетган, ёдгорликнинг атрофи ва ичкараси эса ҳувиллаб, жуда аянчли ҳолатда қолган эди.

